

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
А Ж Р И М И

2026 йил 16 июнь куни, Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича  
судлов ҳайъати апелляция инстанцияси, ўз биносида, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: судья А.Мухиддинов,

судлов ҳайъати судьялари: О.Мухаммадиев ва У.Мусаевдан иборат  
таркибда, судья катта ёрдамчиси У.Комиловнинг котиблигида, тарафлардан:  
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим катта прокурори Ш.Шомирзаев,  
жабрланувчининг қонуний вакили Ш.П. ва унинг адвокати С.Шеров,  
судланувчи Ж.Б. ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокат  
Ж.Баходировнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман  
судининг 2026 йил 13 апрелдаги ҳукмига кўра, судланувчи:

Ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий,  
“ZARECHYE” МЧЖда кўрикчи вазифасида ишлаган, оилали, икки  
нафар фарзандлари бор, муқаддам судланган:

1) Жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг 2025 йил  
18 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг  
276-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб,  
3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, ЖКнинг  
62-моддаси тартибида иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади  
ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 11 ой 29 кун ахлоқ тузатиш ишлари  
жазоси қолдирилган. Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг  
2025 йил 13 октябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси  
ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 8 ой 20 кун ахлоқ  
тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод  
этилган;

227-моддасига асосан процессуал  
тартибда 2026 йил 12 январь куни ушланиб, шу кундан қамоқда  
сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олганга  
нисбатан чиқарилган ҳукми устидан жабрланувчининг қонуний вакили Ш.П.  
томонидан келтирилган апелляция шикоятига асосан  
1-1009-2603/155-сонли жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб,  
қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 2026 йил 13 апрелдаги  
ҳукмига кўра, Ж.Б.га:



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан 3 йил муддатга барча турдаги автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 4 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси;

Ж.Б.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида, жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг 2025 йил 18 апрелдаги ҳукмига кўра тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисmini қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 3 йил муддатга барча турдаги автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 4 йил 8 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жазони ўташ муддати 2026 йил 12 январь кунидан бошлаб ҳисобланиши ҳамда жазони манзил-колонияларда ўташ белгиланган.

Ҳукм қонуний кучга киргач:

- “Тошшаҳарнур” давлат муассасасига етказилган моддий зарар ўрни тўлиқ қопланганлиги ва давлат муассасаси томонидан шу мазмунда ариза тақдим қилинганлиги инobatга олиниши;

- Ашёвий далил деб топилиб, жиноят иш ҳужжатларига қўшилган бир дона DVD диск ва тиббий маълумотнома жиноят иш ҳужжатларида сақланиши белгиланган.

Жабрланувчининг қонуний вакили Ш.П.га жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарлар масаласида фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ж.Б.



тиб, йўл



четидаги бетон тўсиққа урилган. Натижада

ўзгартириб, Ж.Б. тайинланган жазони умумий тартибли колонияларда ўташни белгилашни ҳамда жиноят натижасида унга етказилган 76.570.000 сўм ва 1.500 АҚШ доллари миқдоридаги моддий зарарни ундиришни сўраган.

Апелляция инстанциясида сўроқ қилинган жабрланувчининг қонуний вакили Ш.П., фарзанди [REDACTED] икки нафар вояга етмаган фарзандлари етим қолганини, ўғил ягона боқувчи бўлганини, кўриб чиқиллаётган жиноят иши бўйича, у жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар сифатида тан олинганини, унга нисбатан бугунги кунда 76.570.000 сўм, 5.000.000 сўм ва 1.500 АҚШ доллари миқдорида Ж.Б.нинг жинояти оқибатида моддий зарар бўйича даъвоси борлигини, аксарият харажатларининг асословчи ҳужжатлари йўқлигини, ўша пайтдаги руҳий зўриқиш ва стрессдаги аҳволида, айрим ҳолларда у, айрим ҳолларда унинг турмуш ўртоғи тўлаш тўғрисида сўралганда индамасдан пулларни тўлаб беришганини, харажатлари қуйидагилардан иборатлигини, яъни майитни моргдан уйига олиб келиниши учун тез ёрдам автоулови ҳайдовчиси улардан 1.000.000 сўм олгани, ушбу харажатнинг ҳужжатлари йўқлигини, майитни моргдан олиб чиқиш учун 2.000.000 сўм тўланганини, майитни ювганлиги учун 200 АҚШ доллари берилганини, дафн қилинган куни майитни кабристонга олиб бориш учун 1.500.000 сўм тўланганини, гўрковга 200 АҚШ доллари берилганини, кафанликка 100 АҚШ доллари сарфланганини, ўғлимнинг вафоти билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш учун 1.000.000 сўм сарфланганини, дафн қилинган куни келганлар учун харажатлар (стол-стул, дастурхон ва бошқа жиҳозлар ижараси) 7.000.000 сўм



кетганини, фарзанди вафот этганлиги оқибатида ўзи бетоб бўлиб қолиб, даволаниш учун 8.500.000 сўм сарфланганини, фарзандининг турли маракаларни ўтказганини, қўй сотиб олингани, ушбу харажатларга 1.000 АҚШ доллари сарфлаганини, Ҳайит байрами муносабати билан маракаларга 9.000.000 сўм сарфлаганини, қабр устини сувоқ қилишга ва рақамли тош ўрнатишга 5.000.000 сўм сарфланганини, урф-одатга кўра ифторлик қилиниб, 9.000.000 сўм сарфланганини, уч маротаба марака қилинганлиги 10.000.000 сўм пул сарфланганлиги, юқорида қайд этилган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар йўқлигини, бироқ, ўғлининг номида кредитлар бор бўлганлиги, вафотидан сўнг тахминан бир ҳафтадан кейин банк ходимлари келиб зудлик билан тўлашни, акс ҳолда судга беришини айтганлиги учун кредит пуллари қоплаб беришганини, кредит 18.970.000 сўмни ташкил қилганлиги, квитанциялар мавжудлигини, суғурта фирмасига борганида унга суғурта учун 3.600.000 сўм тўланганидан сўнг пул тўланиши айтилганлиги, бироқ, кейинчалик Ж.Б. автоулови суғуртаси йўқ бўлганлиги сабабли пулларни тўлаб беришмаганлиги, Ж.Б.нинг адвокати ўзини номуносиб тутиб, суд мажлиси давомида турли тухмат ва асосиз гапларни гапирганлиги учун, адвокат билан шартнома тузиб, адвокатга 5.000.000 сўм тўланганлиги, ушбу харажатнинг ҳужжатлари мавжудлигини ва суд ҳайъатига тақдим қилишини баён қилиб, суд ҳайъатидан унга етказилган жами 76.570.000 сўм ва 1.500 АҚШ доллари миқдоридаги моддий зарарни ундиришни ва жазони ўташ колониясини манзилдан умумийга ўтказишни сўради.

Апелляция инстанцияси иш бўйича судья У.Мусаевнинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим катта прокурори Ш.Шомирзаевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириб, етказилган моддий зарарнинг ундирувга оид қисмини қонуний кўриб чиқишни сўраши ҳақидаги ҳулосасини, судланувчи Ж.Б. ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокат [ ] реал моддий зарарни ундирилиши ёхуд тўлаб берилишига эътирозлари йўқлигини, жабрланувчининг қонуний вакили Ш.П. ва унинг адвокати С.Шеровнинг келтирилган апелляция шикоятини қувватлаб, ундирув қисмини ўзгартириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятидаги вазиятни аниқлаш муҳокама қилиб, иш ҳужжатларини батафсил ўрганиб чиқиб, қўйидагиларга асосан суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириб, ундирувга оид қисмига ўзгартириш киритишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 16-сонли Қарорининг 8-бандида “Судлар Конституциянинг 28-моддаси талабларига мувофиқ айбдорликка оид барча шубҳаларни бартараф қилишнинг имкони йўқлиги шахсни айбсиз деб топишга асос бўлишини инобатга олишлари лозим. Шахснинг ўз айбини тан олганлиги унинг айби судда текширилган бошқа далиллар билан исботланган тақдирдагина айблов ҳукми чиқарилишига асос бўла олади” – деб тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида “Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган



тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади. Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас” – деб қатъий белгилаб қўйилган.

Биринчи инстанция суди томонидан жиноят ишини судда кўришда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22, 26-моддалари талабларига тўлиқ риоя қилинган.

Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 94, 95-моддалари тартибда баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

Апелляция инстанция суди судланган Ж.Б.нинг айби, ҳодиса содир бўлган жойни ва транспорт воситасини кўздан кечириш, юзлаштириш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомалари, чизма, уларга илова қилинган фото жадваллар, ЙТХ бўйича маълумотнома, суд тиббий, автотехника ва транспорт-трассология экспертизалари хулосалари, видео тасвир ҳамда жиноят ишида мавжуд бошқа асосли далиллар билан ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Суд хайъати, биринчи босқич суди томонидан судланувчи Ж.Б.нинг жиний ҳаракатлари *“Транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан одам ўлишига сабаб бўлган, транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиши”*да ифодаланган жиний ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги 26-сонли *“Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”*ги Қарорининг 9-бандида *“Мулкӣ зиён етказилган ҳар бир жиноят иши бўйича ҳукм чиқарилаётганда, суд фуқаровий даъвои ҳал этиши, даъво қўзғатилмаган бўлса, мулкӣ зиённи қоплаш масаласини ўз ташаббуси билан муҳокама қилиши лозим. Бунда иш материалларида хатланган мол-мулкнинг йўқлиги мулкӣ зиённи қоплаш тўғрисидаги масалани кўрмасдан қолдириш учун асос бўла олмайди, чунки бундай мол-мулк ҳукм ижроси жараёнида ҳам аниқланиши мумкин.*

Фуқаровий даъвога оид масаласини ҳал этишда суд ЖПК 467-моддасига мувофиқ айблов ҳукмининг тавсиф қисмида даъвои тўла ёки қисман қаноатлантириш ёхуд рад этиш асосларини, жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиён хусусияти ва миқдорини кўрсатиши, шунингдек, мулкӣ зиён миқдорига тегишли ҳисоблаш яқунларини келтириши ҳамда фуқаровий даъвои ҳал қилиш учун асос қилиб олинган қонун нормасини қайд этиши лозим.”



Шунингдек, суд ҳайъати, биринчи инстанция суди томонидан фуқаровий даъво қўзғатилмаганлиги, етказилган маънавий зарар юзасидан ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги, зарар миқдори жиноятни квалификациясига, судланувчига тайинланадиган жазо миқдорига таъсир қилмаслиги сабабли жабрланувчининг қонуний вакили Ш.П.га жиноят натижасида етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга муурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим топиб асосли ҳулосага келган.

Апелляция судлов ҳайъатига жабрланувчининг қонуний вакили Ш.П. томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, судланувчи Ж.Б.дан қвитанциялар билан тасдиқланган ва дафн маросимларининг реал сарфланиши зарур бўлган қисмини, яъни:

Мархум М.Пайзиевнинг кредити ёпиш учун сарфланган қвитанциялар мавжуд бўлган 16.580.276 сўмни;

Тез-тиббий ёрдам авто уловига тўланган 580.000 сўмни;

Адвокат билан тузилган шартномага асосан тўлов амалга оширилган 5.000.000 сўмни;

Мархумни ювиш учун берилган пулнинг 1.000.000 сўмини, қабристонла олиб бориш учун автомашинага тўланган 1.500.000 сўмни, нўрковга берилган пулнинг 1.000.000 сўмини, кафанликка сарфланган 1.000.000 сўмни, ҳужжатларни расмийлаштириш учун сарфланган пулнинг 500.000 сўмини, жами 27.160.276 сўмни ундиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 54-бандида “Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган бир неча ҳукмлар бўйича жазо тайинлаш қоидалари биринчи ҳукм эълон қилинганидан сўнг, лекин ўша ҳукм бўйича тайинланган асосий ва қўшимча жазолар тўлиқ ўталганга қадар маҳкум томонидан янги жиноятни содир этилган ҳолларда қўлланилади. ЖК 59-моддасининг 8-қисмига мувофиқ, жиноятлар мажмуи билан тайинланган тайинланган озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазосининг ўташ муддатининг бошланиши биринчи ҳукмга кўра қамокқа олинган кундан, ЖК 60-моддаси қоидаларига мувофиқ бир неча ҳукм юзасидан тайинланган узил-кесил жазо муддати эса охириги ҳукм бўйича қамокқа олинган кундан бошлаб ҳисобланади” – деб тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасида “Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан суд ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди.” – деб;

Ушбу кодекснинг 60-моддасида “Агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддати тўла ёки қисман қўшади” – деб қайд этилган.

Иш ҳужжатларига кўра, жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг 2025 йил 18 апрелдаги ҳукмига кўра, Ж.Б.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси



қўлланилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, ЖКнинг 62-моддаси тартибида иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 11 ой 29 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилган.

Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2025 йил 13 октябрдаги ажримиға кўра, Ж.Б. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 8 ой 20 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод этилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7, 8-моддаларида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги назарда тутилган.

Суд ҳайъати, биринчи босқич суди судланувчи Ж.Б.га нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8,54-моддаларида назарда тутилган жазонинг адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, содир этилган жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тўғрисидаги қонун талаби, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги ва 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарорларида назарда тутилган тушунтиришларини, шунингдек, Ж.Б.га нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг айбига қисман иқдор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилавий шароити, ягона боқувчи эканлигини, қарамоғида икки нафар фарзандлари борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жиноий бепарволикка йўл қўйганлиги, жабрланувчининг қонуний вакили Ш.П.га етказилган моддий зарар қопланмаганини, унинг моддий ва маънавий даъвоси борлигини, Ж.Б.нинг эҳтиётсизлик орқасида содир этган жинояти оқибатида, Ўзбекистон Республикаси фуқароси 1998 йил 2 февраль кuni туғилган М.Пайзиевнинг ўлимига олиб келганини инобатга олиб, жазонинг мақсади жазолаш эмас, балки тарбиялаш деган умумий тамойиллардан келиб чиқиб, Ж.Б.ни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялашнинг имкони йўқ деган хулосага келиб, унга нисбатан санкция доирасида назарда тутилган транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, жиноят ишлари бўйича Сергели туман судининг 2025 йил 18 апрелдаги ҳукмига кўра, тайинланган жазосининг ўталмай қолган қисмини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида узил-кесил жазо тайинлаб, тўғри хулосага келган деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 50-моддаси 7-қисми “а” бандида “Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган эркакларга



нисбатан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жинояти учун ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда ўташ тайинланади” – деб белгиланганлиги сабабли биринчи инстанция суди томонидан судланувчи Ж.Б.га тайинланган жазони манзил колонияларда ўташни белгилаб тўғри хулосага келган.

Юқоридагиларга кўра, апелляция инстанция суди биринчи босқич суди томонидан Ж.Б.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилиб, тегишли жазо тайинланган бўлса-да, асоссиз равишда жабрланувчининг қонуний вакили Ш.П.га етказилган моддий зарарни ундиришни кўрсатмасдан хатоликка йўл қўйганлиги сабабли суд ҳукмининг ундирувга оид қисмини ўзгартириб, апелляция шикоятини қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 482, 483, 485, 497<sup>17</sup>, 497<sup>18</sup>, 497<sup>26</sup>, 497<sup>31</sup>-моддаларига риоя қилиб, апелляция инстанцияси судлов хайъати

### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 2026 йил \_\_\_\_\_ релдаги \_\_\_\_\_ а нисбатан чиқарилган ҳукмининг ундирувга оид қисми ўзгартирилсин.

Ж.Б.дан жабрланувчининг қонуний вакили Ш.П. фойдасига 27.160.276 (йигирма етти миллион бир юз олтмиш минг икки юз етмиш олти) сўм моддий зарар ундирилсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Келтирилган апелляция шикояти қисман қаноатлантирилсин.

Ажримдан норози томон Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 510-512-моддалари тартибида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест келтириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи

(имзо)

А.Мухиддинов

Ҳайъат судьялари:

(имзо)

О.Мухаммадиев

(имзо)

У.Мусаев

*Аслига тўғри:*

